"Koronavirus odamni o'ldirmaydi, boshqa o'ldiradigan kasalliklarga sharoit yaratib beradi"

Одамлар орасида коронавирусдан даволаниш ёки касалликка чалинмаслик учун шифокор маслаҳатисиз иммунитетни кўтарувчи ҳар хил дори-дармон воситаларини ўзбошимчалик билан истеъмол қилувчилар сони кўпаймоқда.

“КОРОНАВИРУС ОДАМНИ ЎЛДИРМАЙДИ, БОШҚА ЎЛДИРАДИГАН КАСАЛЛИКЛАРГА ШАРОИТ ЯРАТИБ БЕРАДИ”

Савол туғилади, шифокор рухсатисиз қабул қилинган дори воситаларининг оқибати қандай бўлади? Иммунитетни қандай оширган маъқул?

Ушбу саволларга ойдинлик киритиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси “Иммунология ва инсон геномикаси” институти илмий ходими, аллерголог-иммунолог шифокор Шерзод МУХТОРОВ билан суҳбатда бўлдик.



– “Шифокорлар коронавирусга чалинган беморларни даволашаётгани йўқ. Улар шунчаки, инсон организми вирусга қарши етарлича иммун тизимини ҳосил қилгунига қадар сақлаб туришибди”. Бу фикрга қандай қарайсиз?

– Бугунги кунда коронавирусни бутунлай йўқ қиладиган дори воситаси ҳали оммага тақдим этилганича йўқ. Шу сабабли, бу вирусга қарши курашаётган шифокорларимиз асосан симптоматик даво усулларидан фойдаланишмоқда.

“Симптом” сўзи “аломат, белги” деган маъноларни англатади. Симптом бу – индивидуал белгиларнинг бири, касалликнинг ўзига хос намоён бўлиши, патологик ҳолат ёки ҳар қандай ҳаётий жараённинг бузилиши ҳисобланади. Энди симптоматик даво усулига келсак, яъни беморда ҳарорат ошса, ҳарорат туширилади. Агарда пневмония, яъни зотилжам касаллиги белгилари намоён бўлса, нафас олиш тизими, ўпкага таъсир қилувчи ўткир яллиғланишларга қарши даво чоралари кўрилади. Ёки иккиламчи касалликларнинг аломатлари намоён бўлса, унинг патологик ҳолати ёки ҳаётнинг бошқа бузилишларини, ҳаётий жараёнларнинг нормаллашишига ва тикланишига қадар дори-дармон, яъни терапия даво усуллари орқали кўмаклашилади.

Коронавируснинг қиладиган иши нима? У организмга тушиб иммунитетни пасайтиради. У одамни ўлдирмайди. Бошқа ўлдирадиган касалликларга шароит яратиб беради. Шунинг учун коронавирус билан касалланган беморларнинг кўпчилиги вафот этганда, икки томонлама пневмония, ўткир юрак қон-томир ва нафас етишмовчилиги, қандли диабет каби касалликлар ташхиси қўйилади.

Коронавирус оғиздан кириб, қизилўнгач ҳамда тор қувурсимон томирчалар ичидан ўтиб, охири ўпкадаги митти ҳаво халтачасига тушади. Худди шу жойда ҳаво (кислород) қонимизга ўтади ва аксинча, карбонат ангидрид чиқиб кетади. Зотилжам, яъни ўпкада яллиғланиш пайдо бўлиши сабабли инсон ўпкасидаги ана шу халтачалар (фильтрлар) сувга тўлади. Натижада бемор нафас олишга қийналади. Қон қуюқлашади. Бу ҳолатда шифокор маслаҳати ва кўриги билан глюкокортикостероидлар (қонни суюлтирувчи) туркумига кирувчи дори воситалари қўллаш зарур. Антибиотиклар фақат иккиламчи касаллик белгилари бўлган ҳолатда, бу ҳам бўлса, албатта, шифокор назорати остида истеъмол қилиниши керак.

Энди сиз айтгандек, иммунитет масаласига тўхталсак, у доимо курашади. Иммунитет ҳар қандай ҳолатда ҳам дори-дармон қабул қилсак ҳам, қилмасак ҳам курашаверади. Фақатгина дори-дармонларни тўғри қабул қилишимиз керак, яъни организмнинг иммун жараёнини бузмаслик лозим.

– Франциядаги Монпелье университети тадқиқотчилари карам коронавируснинг янги штаммини ўлдириш хусусиятига эга деган хулосага келишибди. Бу қанчалик асосли деб ўйлайсиз?

– Бугунги кунда коронавирус ҳақидаги маълумотларни интернет тармоғидан истаганча топишимиз мумкин. Лекин уларнинг ҳаммасини ҳам асосли, деб бўлмайди. Карам ҳақидаги маълумотга келадиган бўлсак, буни қисман асосли, дея айта оламан. Сабаби бу сабзавот таркибида қандлар, органик кислоталар, витаминлар (C, P, B, B2, PP, K, E), каротин, пантотен ва фолат кислоталар, ёғ, ферментлар, фитонцидлар, калий, кальций, йод, марганец, темир ҳамда бошқа элементларнинг тузлари бор.

Шу сабабли, қайсидир маънода коронавирусни юқтирмаслик ёки вирусни организмдан бартараф этиш учун унинг ҳиссаси бўлиши мумкин. Шуни инобатга олиб кунда бир маҳал карамли, олма сиркаси ва ёнғоқдан тайёрланадиган енгил ҳазм бўлувчи салатларни тавсия қиламан. Фақат бу меъёридан ошиб кетмаслиги лозим.

Энди карам маҳсулотининг бир ўзи коронавирусни бутунлай йўқ қила олиш қобилиятига эга, деган фикрга келадиган бўлсак, бунга қўшилмайман.

– Инсон организмида қайси витамин етишмаса, иммунитет пасаяди?

– Инсон организмида ҳар бир витаминнинг ўз ўрни ва бажарадиган вазифаси мавжуд. Асосли маълумотларга қараганда коронавирусга қарши ёрдам бера оладиган витаминлар C ва D витаминлари ҳисобланади.

С витамини – углевод, оқсил ва минераллар алмашинувида, организмдаги оксидланиш-қайтарилиш жараёнларида ва қон ҳосил бўлишида иштирок этади. Бу витамин мева-сабзавотлар таркибида кўп бўлади.

D витамини – (кальциферол) организмда кальций ва фосфорнинг алмашинувига ёрдам беради. Шунингдек, суяк тўқимасининг шаклланишига ва ижобий ўсишига таъсир қилади. Бу витамин рахитнинг олдини олиш ва даволашда қўлланилади. D витамини балиқ мойи, жигар, гўшт маҳсулотлари, тухум сариғида мавжуд.

– Коронавирус пандемиясига давони балки, Ибн Синонинг “Тиб қонунлари” китобидан излаш керакдир?!

– Абу Али Ибн Сино бобомиз яшаган даврда коронавирус касаллиги бўлмаган бўлса ҳам қора ўлат, вабо каби организмга ҳаво-томчи йўллари ва тери орқали юқувчи юқумли касалликлар мавжуд бўлган. Ибн Сино ўзининг “Тиб қонунлари” китобида бундай касаллик тарқаган вақтда, ўзини-ўзи яккалаш, яъни ҳозирги замонавий тил билан ифодалайдиган бўлсак карантин тартибини жорий қилишни буюрган. Шунингдек, бундай пайтларда саросимага тушмаслик кераклигини тушунтириб, “Вақима қилиш ярим касалликдир” дея уқтирган.

Ҳўл меваларни, суюқликларни, дамламаларни кўпроқ истемол қилиш тавсия этилган.

Бундан ташқари, касалланмаган одамларга касаллик аниқланган қишлоқ, овул ва кентларга боришдан вақтинча тийилишни сўраган. Беморларга эса ўз ҳудудини то касаллик тугамагунига қадар тарк этмасликни буюрган.

Ибн Сино бобомизнинг тиббиётга оид билимлари ва китоблари ҳали тўлиқ ўрганилмаган. Балки, коронавирус пандемиясининг давоси сиз айтгандай, ушбу китобдан топилар. Бунинг учун эса Ибн Сино меросини янада кўпроқ ва кенгроқ ўрганишимиз жоиз.

– Италиялик шифокорлар коронавирус аслида вирус эмас, балки бактерия деган фикрни илгари суришаётган экан. Бу фикрга қандай қарайсиз?

– Юқорида таъкидлаб ўтганимдек, коронавирус ҳақидаги маълумотлар интернет тармоқларида сон-саноқсиз. Бу маълумотларнинг асослисидан кўра асоссизи кўпроқ. Савопингиздаги бу маълумотни мен асосли дея олмайман. Сабаби, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, қолаверса дунёнинг энг ривожланган мамлакатлари ҳам бу касаллик вирус эканлигини тасдиқлашган. Шунга кўра, бу ҳақиқатдан вирус, бактерия эмас.

Бу саволга қўшимча сифатида шуни таъкидлашим мумкинки, вирус иммун тизимини бузганидан сўнг, иммунитет курашувчанлиги пасаяди. Шу тариқа организм ҳолдан тояди. Шундан сўнг, бактерияга боғлиқ бўлган иккиламчи касалликлар ривожлана бошлайди.

– Кўпчилик одамлар ҳозирги кунда билиб-билмай, иммунитетни кўтарадиган дориларни истеъмол қилишмоқда. Бу борада сизнинг тавсиянгиз қандай?

– Аввало мен халқимиздан шуни илтимос қилган бўлар эдим, иммунитетни кўтаришга мўлжалланган дори воситалари, яъни иммуномодуляторлардан билиб-билмай фойдаланманг!